# V. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 61363 тани ташкил қилиб, шундан 60263 таси ёки 98,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 11986 та (19,5 фоизи), саноат 11650 та (19,0 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 4631 та (7,5 фоизи) ва қурилиш 4399 та (7,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади**

| | *Рўйхатга олинганлар* | | *Фаолият кўрсатаётганлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *якунга нисбатан фоизда* | *бирлик* | *якунга нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **61363** | **100** | **60263** | **100** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 605 | 1,0 | 596 | 1,0 |
| саноат | 11986 | 19,5 | 11840 | 19,6 |
| қурилиш | 4399 | 7,2 | 4320 | 7,2 |
| савдо | 11650 | 19,0 | 11403 | 18,9 |
| ташиш ва сақлаш | 2639 | 4,3 | 2614 | 4,3 |

| | *Рўйхатга олинганлар* | | *Фаолият кўрсатаётганлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *якунга нисбатан фоизда* | *бирлик* | *якунга нисбатан фоизда* |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 4631 | 7,5 | 4513 | 7,5 |
| ахборот ва алоқа | 2161 | 3,5 | 2117 | 3,5 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1258 | 2,1 | 1247 | 2,1 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 22034 | 35,9 | 21613 | 35,9 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 95,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 14,6 фоизи хусусий корхоналар, 6,1 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 78,9 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади**

*(1 октябрь ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)*






Давлат мулки

Хусусий корхоналар мулки

Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар

Бошқа мулкчилик шакллари

2017 йил январь-сентябрда жами 7942 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари–7509 та). Уларнинг асосий қисми Чилонзор (Тошкент шаҳри бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 13,7 фоиз), Юнусобод (12,6 фоиз), Мирзо Улуғбек (12,3 фоиз), Шайхонтохур (10,6 фоиз), Олмазор (10,5 фоиз), Учтепа (8,9 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 26,0 фоизи саноат, 17,9 фоизи савдо ва 10,0 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 2950 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 441 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 14,9 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни**
**мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

*(2017 йил 1 октябрь ҳолатига)*

| | Жами, бирлик | Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида | | |
|---|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат | шундан хусусий |
| **Шаҳар бўйича:** | **61363** | **2904** | **58459** | **8514** |
| *туманлар:* | | | | |
| Бектемир | 1218 | 59 | 1159 | 169 |
| Мирзо Улуғбек | 7162 | 360 | 6802 | 930 |
| Миробод | 5406 | 282 | 5124 | 565 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Олмазор | 6073 | 291 | 5782 | 1096 |
| Сергели | 3461 | 158 | 3303 | 514 |
| Учтепа | 5152 | 214 | 4938 | 798 |
| Чилонзор | 7951 | 322 | 7629 | 1063 |
| Шайхонтохур | 6244 | 360 | 5884 | 891 |
| Юнусобод | 8344 | 410 | 7934 | 1123 |
| Яккасарой | 5622 | 184 | 5438 | 622 |
| Яшнобод | 4730 | 264 | 4466 | 743 |

**Корхона ва ташкилотлар сони**

*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

*(бирлик)*

| | *2017 йил 1 октябрига рўйхатга олинган* | *2017 йил январь-сентябрда* | |
|---|---|---|---|
| | | *ташкил топди* | *тугатилди* |
| **Шаҳар бўйича:** | **61363** | **7942** | **2950** |
| *туманлар:* | | | |
| Бектемир | 1218 | 164 | 74 |
| Мирзо Улуғбек | 7162 | 974 | 461 |
| Миробод | 5406 | 597 | 219 |
| Олмазор | 6073 | 833 | 341 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Сергели | 3461 | 440 | 104 |
| Учтепа | 5152 | 710 | 406 |
| Чилонзор | 7951 | 1086 | 233 |
| Шайхонтохур | 6244 | 841 | 229 |
| Юнусобод | 8344 | 997 | 384 |
| Яккасарой | 5622 | 606 | 284 |
| Яшнобод | 4730 | 694 | 215 |

**2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагича ифодаланади**

*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*

